

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАРГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ
ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ БҮЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

Зокиров Шерзод Илхом ўғли

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёsat институти
етакчи илмий ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: shizokirov@mail.ru <https://orcid.org/0000-0003-2890-9120>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сирасига “фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назорат қилиш” қайд этилганлиги келтирилган. Ушбу йўналишдаги фаолиятнинг предмети, асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, шикоят ва мурожаатларини қонуний ҳал этилишини таъминлашдан иборат бўлиши илмий жиҳатдан очиб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, ушбу соҳада назоратни амалга ошириш мақсади ҳамда мазкур йўналишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар илмий-назарий асосларга кўра таҳлил қилинган. Прокуратура органларида мурожаатларга оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назорат фаолиятининг предмети ва обьекти ўртасидаги чегара ёритиб берилган. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуларида мустаҳкамланган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид айrim нормалар таҳлил этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни “Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши” ҳақидаги 7-моддасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Мурожаатларни кўриб чиқишида қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғида келтирилган ҳуқуқий асослар баён этилган.

Калит сўзлар: мурожаат, прокуратура органи, предмет, обьект, ҳуқуқий асос, жисмоний шахс мурожаати, юридик шахс мурожаати, прокурор назорати.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида мурожаат қилиш институти ҳар қандай демократик-ҳуқуқий давлатдаги шахс ва фуқаронинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи асосий элементлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 35-моддасида “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргалиқда ваколатли давлат органларида, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”лиги мустаҳкамланган [1].

Қонун устуворлигини таъминлаш ва демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган қонунларнинг сўзсиз бажарилишини самарали назорат қилиш орқали ҳалқ манфаатларига хизмат қилиш прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳукуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сирасига “фуқаронинг ҳукуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчилик хужжатлари ижроси устидан назорат қилиш” қайд этилган. Ушбу йўналишда фаолиятнинг предмети асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, шикоят ва мурожаатларини қонуний ҳал этилишини таъминлашдан иборат бўлади.

Рус олими А.Брензон таъкидлашича, прокурор назорати назариясида, у ёки бу соҳада қонунчилик хужжатларининг ижро этилиши устидан назоратнинг предмети ва обьекти чегаралари аниқланиши назорат фаолиятининг маъноси ва ўзига хос хусусиятларини тушуниш учун зарур ҳисобланади [2]. Бу эса, ўз навбатида, прокуратура органлари назорати имкониятларини аниқлашга ва уни давлат назорати ҳамда назоратнинг бошқа турларидан ажратиб олишга ёрдам беради.

Миллий олимларимиздан О.М.Мадалиев [3, с.44] қонунчилик хужжатлари ижроси устидан прокурор назорати предметини ёритишида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларида белгиланган ҳукуқий муносабатлар – прокурор назоратининг предмети эканлигини таъкидлаган бўлса, бошқа бир ҳукуқшунос олим Б.Х.Пўлатов [4, С.147-148] прокурор назорати фаолияти предмети сифатида бевосита “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб ёндашган ва бу фаолиятда назорат обьекти бўлиб, назоратни таъминлаш жараёнида прокурор томонидан баҳо бериладиган ҳукуқий хужжатлар ҳисобланиши тўғрисидаги қарашларни илгари сурган. Ҳукуқшунос олим Б.Хамидов [5] ҳам ушбу фикрга ўхшаш фикрни билдириб ўтган. Рус ҳукуқшунос олими Б.М.Спиридонов фикрича, назорат предмети – бу вазифаларни самарали бажариш учун прокурор бажариши шарт бўлган омиллардир [6, с.127]. Бошқа бир рус олими В.Г.Мелкумов эса, назорат предмети – “қонун бузилишлари ва уларга олиб келадиган вазиятларни аниқлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, қонун устуворлигини тиклаш ва айбдорларни жавобгарликка тортишдан иборат”лигини келтириб ўтган [7, с.112].

Фикримизча, бу ерда В.Г.Мелкумов прокурор назоратининг предмети сифатида прокурорнинг назорат фаолияти мазмунини таърифлаган қўринади. Муаллиф прокурор назорати предмети ва прокурор назоратининг мазмунини аралаштириб юборгандек туюлади.

Бу борада ҳукуқшунос олим Г.И.Бровиннинг фикрлари ўринли. Яъни, у “предмет” тушунчаси прокурор назорати назариясида фақатгина аниқ ва бир маънода, яъни, “прокурор назорат давомида нимани ўрганади?” саволига жавоб беради, деган маънода қўлланилишини таъкидлаган [8, с.97].

Шу боис, бизнинг илмий қарашларимиз Г.И.Бровин томонидан келтирилган фикрлар билан ҳамоҳанг бўлиб, фуқароларнинг ҳукуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг предмети муайян фаолият, яъни, Қонуннинг 24-моддасида келтириб ўтилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилаётганлиги, улар томонидан чиқарилаётган ҳукуқий хужжатлар амалдаги қонунларга

қанчалик мувофиқлиги назорат предмети бўлса, назорат объекти эса, бу фаолиятни амалга оширувчи органлар ҳисобланади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 1992 йилдаги таҳририда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш баробарида, фуқаролар устидан назорат ўрнатилган бўлиб, уларни қонунларга риоя этишлари прокурор назорати предмети ҳисобланган. Янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда эса, прокурорлар фуқаролар устидан назоратни амалга оширмаслиги, аксинча, фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши белгиланган. Бу борада янги таҳрирдаги Қонунга янги “фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат” номли боб киритилишида, **бир томондан**, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишининг алоҳида аҳамиятлилигини, **иккинчи томонидан**, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашда прокуратура органларининг назорат қилувчи ролини ошириш мақсади назарда тутилган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назорат предмети тўғрисидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу масала ечими бўйича юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турлича фикрлар илгари сурилган. Бу бўйича миллий олимларимиздан З.С.Ибрагимов [9, с.135] ҳамда рус олими П.Беляков [10] ушбу соҳадаги қонунлар ижроси устидан назорат предмети бўлиб, мамлакат Конституцияси, амалда бўлган қонун ва қонуности ҳужжатлари, прокуратура (прокурор) назорати остидаги давлат идоралари ва мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигига риоя қилишдан иборат эканлигини таъкидлашган.

Бошқа гуруҳ олимлар, хусусан, А.Берензон [2, С.45] ушбу йўналишда назорат предмети бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги фаолиятнинг прокуратура органларининг барча йўналишларида асос бўлиб хизмат қилувчи ўзига хос хусусиятга эгалиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган.

Бу борада ҳуқуқшунос олим О.Литягина ва томонидан мазкур соҳадаги прокурор назорати предмети тўғрисидаги қарашлар бирмунча аниқроқ бўлиб, унга кўра:

- ушбу соҳада фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини назорат қилиш;
- ариза ва шикоятларни қўриб чиқиш тартиби ва муддатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;
- прокуратура органларига фуқаролар томонидан йўлланган мурожаатларни қонуний асосларда қўриб чиқиш ва ҳал этишни ташкил этишдан иборат эканлиги таъқидланган [11, с.47].

Юқорида келтирилган ҳуқуқшунос олимларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предметига оид ғоя ва қарашларини таҳлил этиб, иккала гуруҳ олимлар ва О.Литягина томонидан билдирилган илмий-назарий фикрларга қўшилиш мумкин.

Келтирилган фикрларга қўшимча равишда муаллифлик фикримизни билдириб шуни таъкидлашимиз мумкинки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат ҳуқуқларига доир ҳалқаро ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси ва бошқа мурожаатларга оид нормалар мавжуд моддаларида мустаҳкамланган

қоидалар, жисмоний ва юридик шахсларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳисобланган мурожаатларга тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари, давлат идоралари мансабдор шахслари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан мурожаат ҳуқуқига оид қабул қилинган қарорлари ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилиш прокуратура органларининг ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатга доир конституциявий ҳуқуқларининг тўсиқларсиз амалга оширилиши ижросини таъминлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва айбдор шахсларни қонунларда белгиланган тартибда жазолашга қаратилган фаолияти ҳисобланади.

Ушбу муносабатлар соҳасидаги назоратнинг мақсади прокурор назорати орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш, қонун ҳужжатлари талабларига биноан мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни амалга оширадиган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш борасидаги ваколатларини қонунларга асосланган ҳолда бажарилишини таъминлашга эришишдан иборат.

Рус олими Д.Р.Паштов прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат ҳуқуқларини ҳимоя қилинишининг назоратини амалга оширишдан кўзланган мақсадни **умумий** ва **максус** турларга бўлган [12]. Бошқа бир олим П.А.Беляков фикрича эса, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси 2-қисмида белгиланган асосий йўналишларни прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши назорат қилишдан кўзланган мақсадлар сифатида эътироф этган [10].

П.А.Беляковнинг билдирган фикрига нисбатан шуни айтишимиз мумкинки, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларини жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини назорат қилишдан кўзланган мақсадлар сифатида баҳолаш, фикримизча бироз нотўғри эканлигини таъкидлаган ҳолда ўз позициямизни қуидаги тарзда билдирамиз ва прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини назорат қилишдан кўзланган мақсадларни Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида мустаҳкамланган асосий вазифалардан келиб чиқсан ҳолда:

- 1) мурожаатлар бўйича қонун устуворлигининг бирлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш;
- 2) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш;
- 3) жамият ва давлатнинг қонуний ҳимояланган манфаатлари ҳимоясини таъминлашдан иборат деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишида прокуратура органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонуний ҳал этилишини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда кўплаб норматив ҳуқуқий ҳужжатларга асосланадилар. Улардан энг асосийси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини келтириш жоиз.

Конституциянинг 35-моддасида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаат этиш хуқуқи кафолатланган. Яъни, ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хуқуқига эга. Шунингдек, аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги белгиланган.

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки жамоавий тарзда давлат органлари, ташкилот ва муассасалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш хуқуқлари Конституцияда сиёсий хуқуқлар сифатида эътироф этилган бўлса-да, ўз моҳиятига кўра ушбу хукуқ нафақат сиёсий, балки ижтимоий ва иқтисодий хусусиятга ҳам эгадир. Шахснинг мазкур хукуқда фойдаланиши айни пайтда унинг иқтисодий, ижтимоий хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Давлат органига ариза билан мурожаат этилганида мурожаат этувчининг ўз хоҳиш-истаги, эрки-иродасини ифода этиш, таклиф билан мурожаат этганида давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш, шикоят билан мурожаат этганида эса, бузилган хуқуқларини тиклаш имкониятлари мавжуд бўлади.

2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунни таъкидлаш мумкин.

Ушбу қонун давлат органлари ва давлат муассасаларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу Қонуннинг амал қилиши давлат иштирокидаги ташкилотларга ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан ҳам татбиқ этилишини қайд этиш жоиз.

Янги қонун қабул қилингунiga қадар мамлакатда 2014 йил йил 3 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун амалда эди. Янги қонун қабул қилиниши билан бу қонун бекор қилинди ва янги қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш хуқуқларининг кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, уларни кўриб чиқишда мурожаат этувчиларнинг хуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари каби масалаларнинг нормаларини белгилаб берди. Прокуратура органлари фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини давлат органлари томонидан кўрилишига оид масалаларни айнан шу қонунга мослиги юзасидан назоратни ташкил этадилар.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сирасига “фуқаронинг хукуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчилик хужжатлари ижроси устидан назорат қилиш” киритилган. Ушбу йўналишда фаолиятнинг предмети, асосан фуқароларнинг ариза, шикоятлари ва мурожаатларини қонуний ҳал этилишини таъминлашдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни “Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш” деб номланган 7-моддаси прокурорлар зиммасига фуқароларнинг аризаларини, шикоятларини, шунингдек, қонун бузилганилиги ҳақидаги бошқа маълумотларни кўриб, уларни ҳал қилишлари билан боғлиқ мажбуриятни юклаган. Ариза ва шикоятлар, маълумотлар ёзма, оғзаки ёки электрон тарзда бўлишидан қатъи назар, прокурорлар томонидан кўриб чиқилиши, албатта, тегишлиchora-tadbirлар кўрилиши шарт. Қонуннинг бу моддасида прокурорлар фуқароларни ва юридик шахслар вакилларини шахсан қабул қилишлари, мурожаатларни текширишни давлат

бошқаруви, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириши ҳамда уларнинг текширишга таалуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларида доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган. Прокурорнинг мурожаат юзасидан қабул қилган қароридан норози бўлган тараф бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Таъкидлаш жоизки, сўз юритилаётган юқоридаги моддада “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаронинг ариза ва шикояти ёки юридик шахснинг мурожаати юзасидан қарор қабул қилингандан кейин прокуратура органларида улар бўйича иш юритиш тугатилади, янги очилган ҳолатлар бундан мустаснодир” даб таъкидланган. Бу албатта, айрим асоссиз аризалар билан қайта-қайта прокуратура органларига мурожаат этишга чек қўяди.

Юқоридаги талаблардан маълумки прокуратура органларининг барча тизимида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор берилади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир фуқаронинг ваколатли давлат органларига, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ифодасини топган [1]. Унда мурожаатларнинг қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги алоҳида таъкидланган. Дарҳақиқат, фуқароларнинг аризалари, шикоятлари, мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва унга бўйсунувчи прокуратура ходимлари фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Аризалар, шикоятлар, мурожаатларнинг кўриб чиқилишига виҷданан муносабатда бўлиш прокуратура ходимларининг хизмат ҳамда инсоний бурчи, касб масъулияти ҳисобланади. Зеро, айнан шу фазилатлар прокурор ва терговчиларнинг шахсий сифатларига таъриф беришда бу муҳим соҳага муносабати ҳамиша алоҳида баҳоланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни янги таҳрири матнига киритилган фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратда прокурор қонуннинг 25-моддасида ўзига берилган ваколатдан тўлиқ фойдаланиши лозим. Прокурор айнан шундагина ўз назорати билан боғлиқ ваколатлари доирасида айнан фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши билан боғлиқ қонунлар ижросига дахлдор жиҳатларни назорат объектига айлантиради, шу мақсадга таалкуқли вазифаларни амалга оширади. Вазифалар ижросида прокурор бевосита инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари бузилгани ёки бузилаётгани ҳақидаги маълумотларни, ахборотни олгач, амалга оширишга киришадиган текширувни ўзининг асосий ҳуқуқий воситаси қилиб олади.

Прокурор фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажара бориб, ўз ваколатлари доирасида:

- а) фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади;
- б) аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради;
- в) фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чоратадбирларини кўради.

Шунингдек, фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа айрим муаммолар, масалалар бўлса (масалан, фуқаро ҳуқуқи, эркинлиги вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, уларнинг

раҳбарлари томонидан бузилган бўлса), Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 22-моддасида кўзда тутилган тартибда улар ечимини топади.

Қонун бузилишларини вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар, уларнинг тарқалиши олдини олади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ ҳимоя қилиш учун прокурорларга алоҳида ваколатлар берган. Прокуратура органлари ушбу ваколатлардан фуқороларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалда самарали фойдаланиш чораларни кўришлари лозим.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг бажарилиши юзасидан прокурор назорати ва унинг ўзига хослиги шундан иборатки – қонун ҳар бир шахснинг давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини акс эттирувчи асосий тартиб-қоидаларни белгилаб берди.

Фуқаролар прокуратурага мурожаат қилиш ҳуқуқларидан онгли фойдалангани ҳолда, ўзларининг ғайриқонуний равишда бузилган ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини тиклаб олишади,adolat тантана қилганига ишонч ҳосил қилишади. Бу масаланинг бевосита фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ жиҳати ҳисобланади.

Масаланинг бошқа томони шундаки, фуқароларнинг ёзма ёки оғзаки аризалари, шикоятларини, юридик шахсларнинг қонунбузарлик билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиб, прокурор, энг аввало, қонун устуворлиги, яъни қонунийликни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, демак, у ёки бу мазмунда давлат манфаатлари ҳимоясини таъминлашга эришади.

Қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати назарияси, хусусан, амалиётидан маълумки, фуқаролардан тушган аризалар, шикоятлар, юридик шахслар мурожаатлари жамиятда қонун бузилиши билан боғлиқ маълумотлар манбаидир. Прокурор назорати назариясида қонунбузарлик тўғрисидаги ариза, шикоят ва мурожаатлар умумий тарзда прокурор ёки терговчи учун қимматли маълумотларни бериши илмий-амалий асосланган. Жумладан, уларнинг фикрларини жамлаган ҳолда прокурор қуидаги маълумотларга эга бўлиши мумкин деб айтиш жоиз:

- фуқароларнинг жойларда йўл қўйилган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- турли минтаقا ва ҳудудларда яшовчи шахслар, шунингдек, бошқа шахслар томонидан содир этилган жинояtlар ва бошқа ижтимоий хавфли ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар;
- фуқароларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини, шунингдек, бошқа қонунбузарликларни содир этган органлар ёки мансабдор шахслар ҳақидаги маълумотлар;
- фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармай, уларнинг шикоят ва аризаларини қондириш чора-тадбирларини кўрмаган органлар, мансабдор шахслар ҳақидаги маълумотлар ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни “Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши” ҳақидаги 7-моддасидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори мунтазам равишида тегишли буйруқлар чиқариб, барча бўғиндаги прокуратура органларини, барча прокурорлар ва ходимларни ўз касбий малакасини изчил ошириб, фаолиятларида фуқароларнинг, юридик шахсларнинг шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқларини таъминлашга

қаратилган қонунлар ва ҳуқуқий хужжатларда белгиланган мажбуриятларини тўлиқ бажаришларини буюради.

Хусусан бу масалалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йилнинг 24 ноябрида қабул қилинган “Мурожаатларни кўриб чиқишида қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 165-сонли буйруқда ўз аксини топган.

Бундан ташқари, ушбу буйруқ билан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ва уларнинг шахсий қабулини ташкил этиш тартиби тўғрисида Йўриқнома ҳам тасдиқланган бўлиб, унда Бош прокурор ўзига бўйсинувчи барча прокурорлардан фуқаролардан тушган шикоят ва аризаларни белгиланган муддатда кўриб чиқиб, зарур чоратадбирлар кўришлари ҳамда ўз қарорлари тўғрисида аризачига маълум қилишлари, асосий эътибор инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳимоясига, қонунчилик ва ҳукуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, фуқаронинг ҳар бир мурожаати ўз вақтида узил-кесил холис, адолатли ечимини топишга қаратилиши шартлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Мухтасар айтганда, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, ҳалқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган барча соҳадаги кенг кўламли ислоҳотларни давом эттириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳисобланган мурожаат ҳуқуқларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш прокуратура органларининг асосий вазифалардан бири бўлиб қолади. Прокуратура органларини “халқ прокуратураси”га айлантириш шу вақтгacha дунёning бирор бир давлатида кузатилмаган ҳолат эканлигини, бундай ижобий тажриба биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасида юз бераётганлигини эътироф этишимиз жоиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон; 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон
2. Берензон А.Д. Основные направления совершенствования общего надзора советской прокуратуры // Дисс. ... докт. юрид. наук. М., 1997. С. 24
3. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм) – Т.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2012. – Б.44
4. Прокурор назорати: Дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б.147-148
5. Прокурор назорати. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДЮУ, 2019. – Б.62
6. Спиридовон Б.М. Прокурорский надзор за соблюдением законности в исполнительно-трудовых учреждениях. М.: Изд-во Моск. ун-та, 1978. С. 127
7. Мелкумов В.Г. Советская прокуратура и проблемы общего надзора. Душанбе: Ирфон, 1970. С. 112
8. Бровин Г.И. О прокурорско-надзорных правоотношениях // Совершенствование прокурорского надзора в СССР. М.: Наука, 1973. С. 97.
9. Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиқлол йилларидағи ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили) / З.С.Ибрагимов. – Т.: “Noshir” 2011. – Б.135

10. Беляков П.А. Защита прокурором права граждан на обращение в Государственные органы и органы местного самоуправления // Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2016. С. 121
11. Литягина О.Н. Учебно-методический комплекс для специальности Правоведение. — Минск: Минский инновационный университет, 2017. – С.47.
12. Паштов Д.Р. Участие прокуратуры в законотворческой деятельности законодательных (представительных) и исполнительных органов субъектов Российской Федерации // Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2014. С. 103